

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Г.А. АМИРОВА, А.П. СУЛАЙМОНОВ, Б.Р. ДЖУРАЕВА

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИДА АППЛИКАЦИЯ
МАШҒУЛОТЛАРИ

Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун
илмий-методик қўлланма

ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 371.3 (072)
КБК 74.102
А-60

А-60 Г.А. Амирова, А.П. Сулаймонов, Б.Р. Джураева. **Мактабгача таълим муассасаларида аппликация машғулоти.** – Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 100 бет.

ISBN 978–9943–975–81–1

Мазкур қўлланма Ф1 - ҚХ - О – 7694. ИЗВ № 978 - 9943 - рақамли «Тасвирий фаолият машғулотларининг янги мазмуни ва методикасини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий асослари («Болажон» таянч дастури асосида)» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган тадқиқот натижалари асосида тайёрланган.

Мазкур илмий-методик қўлланма мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган «Тасвирий фаолият» машғулотида аппликация усули билан ишлашни ташкил этиш технологиялари бўйича мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларига мўлжалланган бўлиб, унда тасвирий фаолиятнинг аппликация машғулотларини ташкил этишда бадиий, табиий ва ташландиқ материаллардан фойдаланиш орқали мактабгача ёшдаги болаларнинг ижодий фаоллигини ошириш, уларда бадиий-ижодий кўникма ва малакаларини шакллантириш, «аппликация» тушунчаси, унинг турлари ва техник усуллар, турли гуруҳларда олиб бориладиган аппликация машғулотларининг мазмуни ва методикаси, жумладан, рангли қоғоз ва табиий материаллардан аппликация технологиясида тасвирлаш бўйича машғулоти ишланмаларидан намуналар келтирилган.

Ушбу илмий-методик қўлланмадан мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва олий ўқув юртлирининг «Мактабгача таълим ва тарбия» ихтисослиги бўйича тарбиячи-педагогларни тайёрловчи факультет ва бўлимларнинг талабалари фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир:

А.Сулаймонов – Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўз ПФИТИ лойиҳа раҳбари, педагогика фанлари номзоди.

Тақризчилар:

С.Абдирасилов – Низомий номидаги ТДПУ доценти, педагогика фанлари номзоди;

Д.Асқарова – Тошкент вилояти Зангиота туманига қарашли 9-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси;

М.Иноятова – Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўз ПФИТИ лойиҳа раҳбари, педагогика фанлари номзоди.

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ илмий Кенгаши қарори (3.10. 2014 йил №9) билан нашр этилди.

ISBN 978–9943–975–81–1

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

КИРИШ

Мамлакатимизда амал қилаётган узлуксиз таълим тизимининг мактабгача таълим босқичи болаларни жисмоний, маънавий, ақлий, ахлоқий ва эстетик жиҳатдан тарбиялашнинг дастлабки ва энг муҳим жабҳаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, айнан мактабгача таълим ёши болаларнинг дунёқаршини шакллантиришнинг асосий бўғини сифатида эътироф этилади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1997 йил 23 январидagi «Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида тасвирий ва амалий санъатлар соҳасидаги ижодкорларни, энг авало, ёш истеъдодларни халқимизнинг бой маънавий дунёси, озод ва обод ватан келажаги олдидаги масъулиятлари, миллий ўзликни англаш ғояларини тараннум этувчи ёрқин асарлар яратишга йўналтириш ҳамда бу йўлдаги хатти-ҳаракатларни рағбатлантириш, иқтидорли ёшларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш ҳамда соҳа мутахассисларининг моддий-техник негизини янада мустаҳкамлашни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш, тасвирий ва амалий санъат, дизайн, халқ бадиий ҳунармандчилиги соҳалари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратиб ўтилган. Бу фармон нафақат профессионал тасвирий санъатни, балки бадиий-эстетик таълимни, хусусан тасвирий санъат таълимининг барча босқичларини, жумладан, мактабгача таълим муассасаларида амалга ошириладиган «Тасвирий фаолият» машғулотларини янги сифат босқичига кўтариш учун қулай шароит яратишга ҳуқуқий-меъёрий замин яратди. Қолаверса, «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддасига биноан фарзандлар тарбияси ва таълим олишлари, уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси борасида ота-оналарнинг ўрни ҳамда жавобгарлигига бўлган талаблар белгилаб қўйилди.

«Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида Низом»га мувофиқ бола мактабгача таълимни уйда, ота-оналарнинг мустақил равишда таълим ва тарбия бериши орқали ёки доимий фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим муассасаларида, шунингдек, муассасага жалб қилинмаган болалар учун мактабгача таълим муассасаларида, мактабларда, маҳаллаларда ташкил этилган махсус гуруҳлар ёки марказларда олади.

Мактабгача ёшидаги боланинг мактаб таълимига ўтиши ҳамиша унинг ҳаёти, ахлоқи, қизиқиши ва ижтимоий муносабатларида жиддий ўзгаришларни юзага чиқаради. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болани мактабгача таълим муассасасида ёки уйда мактаб таълимига тайёрлаш, боланинг ёш хусусиятига доир билим, кўникма ва малакалар билан

таништириш талаб этилади. Бундай таништирув мослашув даврининг жиддий қийинчиликларидан халос бўлишга ёрдам беради.

Мактабгача таълимнинг мақсади болаларни мактаб таълимига тайёрлаш, болани соғлом, ривожланган, мустақил шахс сифатида шакллантириш, ижодий қобилиятларини очиб бериш, ўқишга, тизимли таълимга тайёргарлигини таъминлаш ва бу жараёнга бўлган иштиёқни тарбиялашдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасида: «Бу таълим 6-7 ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади», – деб таъкидланган. Дарҳақиқат, таълим-тарбия қанчалик эрта бошланса, унинг самараси шунчалик эрта намоён бўлади ва инсоннинг бутун ҳаёт тарзига ижобий таъсир қилади.¹

Мактабгача таълим муассасаларининг бирламчи йўналиши мактабгача ёшдаги болаларни бадиий-эстетик тарбиялаш ҳисобланади. Бу йўналишнинг самараси эстетик йўналишнинг барча воситаларини (театр, мусиқа, бадиий адабиёт, расм чизиш, аппликация) комплекс тарзда қўлланилгандагина аниқ бўлади.

Мактабгача таълим масканларида ўтиладиган «Тасвирий фаолият» машғулоти болаларга бериладиган эстетик тарбия масалаларини ечишда катта аҳамиятга эга. Чунки тасвирий фаолият ўз хусусиятига кўра бадиий фаолият ҳисобланади. Бадиий фаолият машғулотларининг барча турлари қатори аппликация тури ҳам болаларда гўзалликни билиш учун, борлиққа эмоционал-эстетик муносабатни ривожлантириш учун кенг имкониятларни очиб беради. Мактабгача ёшдаги болалар шуғулланадиган бадиий фаолиятнинг ҳар бир тури ҳам умумий эстетик таъсирдан ташқари ўзининг махсус таъсир кучига эга.

Мактабгача таълим муассасаларида ўтиладиган «Тасвирий фаолият» ўз таркибига кўра қуйидаги машғулоти турларидан иборат: «Расм чизиш», «Пластин (лой) билан ишлаш», «Аппликация» ҳамда «Қуриш-ясаш» машғулоти. Буларнинг ҳар бири болалар тасаввурларида атроф-оламнинг акс эттириш имконини беради.

«Тасвирий фаолият» машғулотида аппликация бўйича бажариладиган топшириқлар мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг таълими ва тарбиясида катта аҳамиятга эга бўлиб, уларни шахсий сифатларини, психологик ва эстетик имкониятларни ривожлантиришга ундайди.

Ҳозирги замон педагогик ва психологик тадқиқотларида мактабгача таълим ёшидаги болаларни эстетик, ақлий ривожланиши учун «Тасвирий фаолият» машғулоти зарурлиги исботланмоқда. Нафақат

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. «Маърифат» газетаси. 1997 йил, 1 октябрь.

тасвирий фаолият машғулоти, балки тасвирий санъатнинг аппликация турлари ҳам зарур. Чунки «Тасвирий фаолият» машғулотида бажариладиган аппликация ишлари бугунги кунда ўта долзарб машғулотлардан ҳисобланади. Аппликация бўйича машғулотларни ўтказиш шароити машғулотлар доирасидан ташқарида ва болаларнинг мустақил фаолияти ёки гуруҳий фаолияти кўринишида амалга оширилади.

Аппликация машғулоти жараёнида болалар турли предметларнинг содда шакллари ва уларнинг қирқиб ёпиштириладиган бўлаклари, силуэт тасвирлари билан танишадилар.

Мактабгача таълим муассасаларидаги «Тасвирий фаолият» машғулотида турли усуллардаги техникалар ҳамда болалар учун қизиқарли бўлган турли бадиий, табиий ва ташландиқ материаллардан ўз ўрнида фойдаланиш аппликация машғулотларининг мазмунини янада бойитади.

«Тасвирий фаолият» машғулотида аппликация технологиясида тасвирлаш жараёнида болаларда:

- бадиий дидни тарбиялаш;
- амалий бадиий фаолият ва малакаларни ривожлантириш;
- фантазия, ижодий фикрлаш ва тасаввур қилиш, идрок қилишни ривожлантириш;
- қўлнинг аниқ ҳаракатлари ва бармоқларнинг майда моторикасини ривожлантириш;
- касбий бадиий-ижодий фаолият куртакларини намоён бўлиши учун имкон яратиш каби таълимий ва тарбиявий масалалар ҳал этиб борилади.

Республикамизнинг келажаги илм-фан, ижод, таълим-тарбия тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Шу боис мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда «Тасвирий фаолият» машғулотида турли бадиий материаллар билан бир қаторда табиий ва ташландиқ материаллар ҳам таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Зеро, табиат гўзалликнинг энг қадимги ва бой манбаидир. Айнан шу омилни эътиборга олган ҳолда бадиий-эстетик таълим ва экологик тарбия масалаларини «Тасвирий фаолият» машғулотида предмет, буюм ва нарсаларни аппликация технологиясидан фойдаланиб, машғулотлар мазмунини бойитиш учун табиий, бадиий ва ташландиқ материаллардан ўз ўрнида фойдаланиб, интегратив тарзда турли техникаларда тасвирлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Мактабгача ёшдаги болаларни тасвирий фаолият машғулотида ижодкорлик сифатларини, тасвирлаш малакаларини таркиб топтириш ва

ривожлантиришда турли бадий материаллар сингари табиий материаллар ҳам ўзига хос дидактик имкониятларга эга.

Мактабгача таълим муассасалари учун ишлаб чиқилган «Болажон» таянч дастурининг тузилиши ва мазмунининг таҳлилидан аёнки, кичик гуруҳлардан бошлаб энг кўп вақт тасвирий фаолият, жисмоний тарбия ва мусиқага (2 соатдан) ажратилган. Агар тасвирий фаолиятнинг бошқа турлари – аппликация (0,5 соат), қуриш-ясаш (0,5 соат) ва лой ишини (1 соат) қўшиб ҳисобласак, жами 4 соатни ташкил этади. Ҳафталик юклама 12 соатни ташкил этишини эътиборга оладиган бўлсак, тасвирий фаолият барча фаолиятларнинг учдан бир қисмини ташкил этади. Демак, тасвирий фаолият интегратив мазмун касб этувчи энг катта бўлим ҳисобланади ва фаолиятнинг бошқа турлари билан мантикий ва дидактик боғлиқликда амалга оширилади. Бу омил ҳам тасвирий фаолият машғулотлари мазмуни ва методикасини фаолиятнинг бошқа турларига ҳамоҳанг тарзда такомиллаштириб бориш лозимлигини англатади.

Кейинги 8–10 йиллар давомида мактабгача таълимнинг барча йўналишлари «Учинчи минг йиллик боласи» дастури асосида амалга оширилиб келинди. 2010 йилга келиб, умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари ҳамда мактабдан ташқари таълимнинг Давлат талаблари такомиллаштирилиб, таълим мазмуни янада қулайлаштирилди. Бу омил узлуксиз таълим тизимининг мактабгача таълим босқичида ҳам муайян ишларни амалга оширишни тақозо этар эди. Ана шу ижтимоий-педагогик эҳтиёжга асосан мактабгача таълимнинг Давлат талаблари такомиллаштирилиб, мактабгача таълим муассасаларидаги таълимий жараён янгиланган мазмун бўйича ишлаб чиқилган «Болажон» таянч дастури асосида амалга оширишга киришилди. Мазкур дастур асосида «Тасвирий фаолият» машғулотлари тизимида «Расм чизиш», «Пластин (лой) билан ишлаш», «Аппликация» ҳамда «Қуриш-ясаш» машғулотлари алоҳида бўлим тариқасида берилган. Машғулотларнинг асосий вазифаси сифатида тасвирий фаолият воситасида мактабгача таълим ёшидаги болаларни кузатилган воқеа ва ҳодисаларни, объектларни тасвирлашга ўргатиш орқали, уларда атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш ва ривожлантириш, оламни билиш ва ундаги воқеликларни англашга ўргатиш алоҳида қайд этиб ўтилган. Бу таълимий амалларни самарали бажариш учун, албатта, мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларига замонавий шароит ва эҳтиёжлар асосида ишлаб чиқилган ўқув-методик адабиётлар мажмуи бўлиши лозим. Тажрибалар, кузатувларнинг натижалари, уларнинг таҳлилари бу соҳада ижтимоий-педагогик талаб ва эҳтиёж мавжудлигини, шунингдек, мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган таълимий ислохотларга ҳамоҳанг тарзда

мактабгача таълим муассасалари учун тасвирий фаолият бўйича замонавий мазмун ва моҳият касб этувчи методик ишланмалар яратилмаганлигини кўрсатади. Айрим методистлар ва педагог олимлар томонидан нашр этилган баъзи ишланмалар биринчидан, кам тиражда бўлганлиги, қолаверса, бугунги ижтимоий талабларни қондиришга қодир эмаслиги сабабли янгича мазмундаги замон талабларига жавоб берадиган қўлланмалар яратиш лозимлигини тақозо этади. Шунинг учун ҳам мактабгача таълимнинг барча гуруҳлари учун тасвирий фаолият турлари бўйича методик ишланмалар мажмуасини яратиш долзарб муаммо сифатида қолмоқда.

Психологик ва педагогик тадқиқотларнинг натижаларига, шунингдек, болалар ривожланишининг психофизиологик хусусиятларига кўра, юқорида таъкидлаганимиздек, дунёқарашнинг асосий қисмини шаклланиши уларнинг мактабгача ёшига тўғри келишини эътиборга оладиган бўлсак, болаларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнининг мазкур босқичига алоҳида эътибор билан қараш керак бўлади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг тасвирий фаолияти энг оммавий тур ҳисобланиб, деярли барча болалар ҳам расм чизишни яхши кўришади. Лекин улар талаб даражасида яхши чиза олмасликлари мумкин. Мактабгача таълим муассасасида фаолият юритаётган тарбиячи-педагоглар, болаларнинг ота-оналари уларни фақат махсус ишлаб чиқилган тизим асосида ва методик қўлланмалар орқали мақсадга йўналтиришлари лозим. Бунда болаларни атроф-муҳитдаги нарса ва ҳодисаларни англаш, уларга элементар тарзда эстетик муносабат билдириш, улардан олинган тасаввурларни ўз фаолиятларига татбиқ этишга босқичма-босқич ўргатиб бориш, уларни мактаб таълимига тайёрлаб боришнинг самарали воситаларидан бири эканлиги ҳам ижтимоий-педагогик моҳият касб этади. Тасвирий фаолият орқали болаларда ақлий ривожланиш, бадиий дид ва ижодкорликни таркиб топтириш, теварак-атрофдаги гўзалликлардан завқлана билиш кўникмаларини шакллантириш мумкин бўлади. Айнан шу омиллар мактабгача таълим ёшидаги болалар билан ўтказиладиган ҳар қандай таълимий ва тарбиявий ишлар, жумладан «Тасвирий фаолият»нинг аппликация тури муҳим ижтимоий-педагогик аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Зеро, «Тасвирий фаолият» машғулотларининг «Аппликация» тури бўйича олиб борилган мақсадли тадқиқотларнинг натижалари мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилаётган таълим ва тарбия ишлари жараёнида аниқланган ижтимоий зарурат, мавжуд эҳтиёждан келиб чиққан ишланмалар сифатида муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Тасвирий фаолият машғулотларида предмет, буюм ва турли нарсаларни аппликация технологиясида тасвирлаш мактабгача ёшдаги

болаларнинг ақлий ривожлантиришга хизмат қиладиган кўп қиррали машғулот турларидан бири бўлиб, улар шакл ва рангларни ажрата олишга ўргатади, болаларнинг бадиий-эстетик ҳиссиётларини ва қўл майда моторикасини ривожлантиради. Аппликация машғулотлари болаларда тозалик, диққатни жамлаш каби сифатларни ҳам таркиб топдиради.

«Мактабгача таълим муассасаларида аппликация машғулотлари» номли илмий-методик қўлланмада мактабгача таълим муассасаларида амалга ошириладиган аппликация машғулотлари юзасидан назарий ва амалий характердаги ишланмалар, дидактик материаллар, машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш технологиялари, таълимий топшириқларни бажариш техникасига оид материаллар берилган бўлиб, болаларни табиатни эстетик идрок этишга ўргатиш, экологик тарбия, тасвирий саводхонлик элементлари воситасида уларни мактаб таълимига тайёрлашдек муҳим ижтимоий-педагогик муаммони ҳал этишга хизмат қилади. Улар мактабгача таълим муассасаларида олиб бориладиган «Тасвирий фаолият» машғулотлари мазмуни ва методикасини такомиллаштириш, уни янгилаш учун назарий асос вазифасини ўтайди.

I боб. МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ БАДИЙ ИЖОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАЛАРИ

1.1. Тасвирий фаолият орқали мактабгача ёшдаги болаларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 23 январдаги «Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда ёш авлоднинг ижодий қобилиятларини тўлақонли рўёбга чиқаришни таъминлаш борасида янги даврини бошлаб берди ва республикаимизда бадий таълимнинг миллий тизимига асос солинди. Бошқача сўз билан айтганда, республикаимизда болаларнинг ижодий қобилиятларини тарбиялашнинг мукамал миллий тизими шакллантирилди. Бу узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида истеъодларни тарбиялашда ўз самарсини бермоқда. Зеро, бола дунёга келар экан, унда маълум даражада ижодий фаолиятнинг муайян турига нисбатан табиий мойилликлар мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай соҳада ижодкорликни намоён этиш учун имкониятлар мавжуд бўлади. Мухими, уни тўғри ташхислаш, мазмунан тўғри йўналиш беришдан иборат. Айнан шу омил шахснинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришда етакчи мезон ҳисобланади.

Тасвирий фаолиятнинг ҳар бир тури болаларда ақлий фаолликни, ижодкорликни, бадий дидни шакллантиради ва бошқа инсоний фазилатларни тарбиялаш имконини беради. Бундай фазилатларсиз ижтимоий фаол шахснинг шакллантириб бўлмайди.

Ижодкорликка қизиқишнинг энг оддий кўринишлари айнан мактабгача таълим ёшидаги болаларда намоён бўла бошлайди. Лекин болаларнинг ижтимоий-коммуникатив тажрибаси етарли бўлмаганлиги боис, бундай ҳолатлар эпизодик тарзда юзага келса, тажриба тўплаб бориш жараёнида оламни англашга интилиш, муайян билимларни эгаллаши натижасида креативлик аниқ мазмунга эга бўла бошлайди. Бу кўрсаткич болаларнинг ижодий фаолиятида яққол намоён бўлади. Яъни мактабгача ёшидаги боланинг кўп ҳолларда примитив тарзда кечадиган ижодий фаолият, айниқса, уларнинг тасвирий фаолияти аста-секин муайян қонуниятларга асосланган ҳолда мазмун ва моҳият касб этиб боради. Ижодкорлик кўникмаларининг шакллана бориши эса уларнинг машғулот жараёнидаги фаолликларида намоён бўлади.

Фаоллик – бу амалий фаолиятда намоён бўлувчи иш бўлиб, предмет, буюм ва нарсаларнинг шакли, моҳияти ва маконда жойлашган ҳолатларини тезда илғаб олишга ўргатувчи омиллардан биридир. У нафақат атроф-оламни ўзлаштириш, балки шахснинг ўзлигини намоён қилишга қаратилган фаолиятдир.

Ишнинг тоза, пухта бажарилганлиги нафақат тартиблиликка боғлиқ, балки қалам, мўйқаламдан фойдаланиш маҳоратини ўзлаштиришга ҳам боғлиқдир.

Тасвирлаш, чизиш техникаси бўйича маҳоратлар бола қўллари ривожланганликлари билан боғлиқ бўлган мувофиқлаштириш, аниқлик, оҳисталик, ҳаракатларнинг эркинлиги ва ҳ.к. лардан иборатдир.

Ижод – бу бадиий ифодалаш шакли бўлиб, бола шахсининг ривожланиши ва болалик тажрибасида муҳим омил саналади. Турли шакллардаги ўз тасаввур ва ижодларини ривожлантириш имкониятларига эга бўлган болалар миллий маънавий мерос ва маданиятни ҳурмат қилишга ўрганадилар. Бола ўз ҳиссиётларини мусиқа, театр, тасвирий фаолият ва бошқалар орқали ифодалашни ўзлаштиради. Рассомлик соҳасида Рафаэль Сантининг ижодий қобилияти саккиз ёшида, Микеланджелода ўн уч ёшда, И.Е.Репин билан В.А.Серовда тўрт ёшда, В.И.Суриковда олти ёшда кўрина бошлаган. Игор Грабарь ўзи ҳақида: «Рассомликка неча ёшда ҳавас қўйганлигимни эслай олмайман, аммо расм солмаган вақтимни хотирлай олмайман»,– дейди.²

А.В.Запорожец, В.В.Давидов, Н.Н.Поддьяковаларнинг илмий тадқиқот ишларида предмет болаларнинг ҳиссий фаолияти жараёнида аппликация ҳам болаларга ҳодиса ва предметларнинг хусусияларини алоҳида кўрсатишда, предмет ва ҳодисалар ўртасида ўзаро алоқа ўрнатишда, уларни бажарган ишларида образли шаклда акс эттиришга қодир эканликлари исботланган. Бу жараён, айниқса, турли амалий фаолият турларида сезилади. Хулоса, таққослаш ва солиштиришнинг умумлашган усуллари шаклланади, ижодий масалаларни ечиш усулларини мустақил топиш маҳорати, ўз фаолиятини режалаштириш маҳорати янада ривожланади.

Олимлар ижодга табиий ва социал оламни билиш ва ўзгартириш бўйича инсоннинг юксак даражаси сифатида қарайдилар. Ижодий фаолият жараёнида инсоннинг ўзи ҳам ўзгариши жуда муҳим (фикрлашнинг шакл ва усуллари, шахсий сифатлари, у ижодий шахсга айланиши)ҳисобланади.

Ижод–тадқиқотларнинг янги предмети эмас. У доимо олимларнинг ва мутахассисларнинг эътиборини жалб қилган.

Кенг маънода ижод–бу бирон бир янги, такрорланмайдиган фойдали омилни ҳосил қилишга йўналтирилган фаолиятдир. Шунинг учун ижоднинг асосий кўрсаткичи унинг натижасидаги янгилик, яъни ижодий фаолият янгилигидир. Бунда эса объектив характерга эга

² И.И.Иванов. Умумий психология. Педагогика институтларининг талабалари учун қўлланма. Тузатилган ва тўлдирилган 4-нашри. –Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, –1967. –506 б.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/868> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/868> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/868>